

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2026

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайкулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариш давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддиневич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмутаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Хакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнура Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Ахмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллахжаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоков Бахтиёр Робиддинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети


Хасанова Нодира Ибрагимовна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти, Денов
тадбиркорлик ва педагогика институти

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

1. Зумрад Бойхўразовна Раҳмонкулова XXI АСР ТУРКИЯ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЖАДИДЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	5
2. Gulnara Rashidovna Joldasbaeva QORAQALPOQLARNING AN'ANAVIY SUT MAHSULOTLARI VA UNING INSON SALOMATLIGIGA TA'SIRI.....	11
3. Nigora Azadovna Egamberdiyeva XORAZMNING QADIMIY HUNARMANDCHILIGI TARIXI (KULOLCHILIK TARIXI MISOLIDA).....	17
4. С.И.Габриэльян СРЕДНЕВОСТОЧНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ РУССКО-ГЕРМАНСКОГО СОПЕРНИЧЕСТВА НАКАНУНЕ ПЕРВОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ.....	23
5. Risolat Davron qizi Murodova ILMIY MEROSNI SAQLASHDA ILMIY MUZEYLARNING O'RNI: TAJRIBA VA TAHLIL...	35
6. Shukrullo Nasriddinov, Dilshod To'xtasinov O'RTA OSIYO DINIY-MONUMENTAL ME'MORCHILIGINING AYRIM XUSUSIYATLARI HAQIDA.....	42
7. Sherbek Axmedovich Omanov, Shukrullo Nazrullayevich Nasriddinov AXSIKENT YODGORLIGI ASOSIDA O'RTA ASRLAR UY - JOY XO'JALIGI MODDIY MADANIYATINING O'RGANILISHI.....	48
8. Матлуба Бойхурозовна Раҳманкулова XVI–XVII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУҚОВАЛАРИДА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ҲИРОТ МУҚОВАСОЗЛИК УСЛУБИ АНЪАНАЛАРИ.....	54
9. Abdulla Nuritdinovich Rasulov, Nurillo Abdulboqiyevich Rejabboyev SAMARQAND VILOYATI OCHARCHILIK OQIBATLARINI TUGATISH KOMISSIYASI FAOLIYATI.....	63
10. Рустам Султонмуродович Солиев XX ASRDA TURKISTONDAGI SIYOSIY PARTIYALAR VA IJTIMOIIY-SIYOSIY HARAKATLAR.....	71
11. Xayrullo Lutfillojon o'g'li Xolmirzayev QO'QON XONLIGIDA 1853-YIDAN KEYINGI SIYOSIY HARAKATLAR VA MALLAXONNING HOKIMIYATGA KELISHI.....	76
12. Mirzabek Karimjon o'g'li Xolboyev FARG'ONA VODIYSI OBLASTLARIDAGI ARXIV MUASSASALARI FAOLIYATI TARIXI: MUAMMO VA YECHIMLAR.....	82



Рустам Султонмуродович Солиев,
Наманган давлат университети доценти,
тарих фанлари номзоди

XX ASRDA TURKISTONDAGI SIYOSIY PARTIYALAR VA IJTIMOIIY-SIYOSIY HARAKATLAR

For citation: Rustam S. Soliev. POLITICAL PARTIES AND SOCIO-POLITICAL MOVEMENTS IN TURKESTAN IN THE 20th CENTURY. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 7.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.21807453>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX аср бошларида Туркистонда юз берган сиёсий жараёнлар, уларнинг ривожига маҳаллий зиёлиларнинг тутган ўрни, ўлкада сиёсий партия, гуруҳ ва ҳаракатларнинг фаолияти таҳлил қилинган. Унда асосий эътибор Туркистонда ташкил топган сиёсий партия ва ҳаракатларнинг дастури, уларда кўтарилган ижтимоий-сиёсий масалаларга қаратилган.

Калит сўзлар: Туркистон ўлкаси, сиёсий партиялар, зиёлилар, ижтимоий ҳаракатлар, партия дастурлари, большевиклар, коммунистлар, эсерлар, кадетлар.

Солиев Рустам Султонмуродович,

доцент Наманганского государственного университета,
кандидат исторических наук

ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПАРТИИ И ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ ДВИЖЕНИЯ В ТУРКЕСТАНЕ В XX ВЕКЕ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются политические процессы, происходившие в Туркестане в начале XX века, роль местной интеллигенции в их развитии, а также деятельность политических партий, групп и движений в крае. Основное внимание уделено программам политических партий и движений, созданных в Туркестане, а также социально-политическим вопросам, которые в них поднимались.

Ключевые слова: Туркестанский край, политические партии, интеллигенция, общественные движения, партийные программы, большевики, коммунисты, эсеры, кадеты.

Rustam S. Soliev,

Associate Professor at Namangan State University,
Candidate of Historical Sciences

POLITICAL PARTIES AND SOCIO-POLITICAL MOVEMENTS IN TURKESTAN IN THE 20TH CENTURY

ABSTRACT

This article analyzes the political processes taking place in Turkestan at the beginning of the 20th century, the role of the local intelligentsia in their development, and the activities of political parties, groups, and movements in the region. The focus is on the programs of the political parties and movements established in Turkestan, as well as the sociopolitical issues they raised.

Index Terms: Turkestan region, political parties, intelligentsia, social movements, party programs, Bolsheviks, communists, Socialist Revolutionaries, Cadets.

1. Долзарблиги:

Жаҳон ижтимоий сиёсий тараққиётининг кейинги юз йиллигидаги ривожланиши ўрганилар экан, беихтиёр куйидаги хулосага келинади: яъни, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ҳеч қачон қуруқ жойда вужудга келмаган. Бундай ҳаракатларни юзага келиши учун шунга яраша иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шарт-шароит, ижтимоий онг, тафаккур ва маданият бўлмоғи зарур.

Сўнгги уилларда Ўзбекистонда амалга оширилган туб ислохотлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантириш билан биргаликда, миллий тарихимизни ҳолисона яратишга замин яратмоқда. Туркистонда парламент тузиш учун олиб борилган кураш ва Туркистон Мухториятининг фаолияти каби масалалар ҳам бундан мустасно эмас. Ваҳоланки, ўтмишга назар ташланса, "...тарихимизда ҳам бошқарувнинг демократик илдизлари мавжуд бўлганлиги, халқ ҳаётига дахлдор энг муҳим масалалар қурултой, кенгаш ва машваратлар орқали ҳал этилганини кўриш мумкин" [1].

2. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси:

Мазкур мавзуга доир манба ва адабиётлар сирасига Б. Жолдасов, С. Аъзамхўжаев, Р. Абдуллаев, Х. Одилқориевларнинг илмий изланишлари киритиш мумкин.

3. Тадқиқот натижалари:

Она заминимиз Туркистон ўлкасида ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар тарихи қадим даврларга бориб тақалади. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Алишер Навоий, Огаҳий боболаримиз ўз даврларида шарқона маърифий ғоя билан суғорилган сиёсий қарашлар соҳиби бўлганлар. Бундай маърифий ғоялар XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкаси халқи онгида сиёсий мақсадлар уйғота олган маърифатпарвар жадид боболаримиз фаолиятида кўринди. Фикримизча, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ибтидосини рус сиёсий ҳаракатлари таъсири билан боғлаш ҳақиқатга унча тўғри келмайди. Чунки, шўролар замонида коммунистик мафкура асосида ёзилган кўплаб илмий адабиётларда айнан ушбу масалага алоҳида урғу берилган. Лекин, Туркистон заминида шаклланган ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва рус сиёсий партиялари фаолиятлари ўртасида катта фарқ бор.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасида тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, 25–35 гача сиёсий партия, гуруҳ ва ҳаракатлар мавжуд бўлган [2]. Булар – социал-демократик, социалист инкилобчилар, конституцион демократлар партияси кабилар. Бундан ташқари, ўлка ҳудудида маҳаллий бўлмаган миллий сиёсий ташкилотлар ҳам бўлган. Хусусан, Бунднинг Туркистон ташкилоти (1904–1905 йй.), Паолей – Ционни Туркистон ташкилоти (1917 йй.), "Гнчак" (1905 йй.), "Дашнақцутюнъ" (1905 йй.), арман социал-демократларининг "Гуммет" ташкилоти" (1905–1907 йй.), Туркистон татар социалистлари иттифоқи (1917 йй.), "Турон" иттифоқи (1917 йй.), "Алаш Ўрда қозоқ партияси" (1917 йй.), Украина громадаси (1917 йй.) ва бошқалар. Лекин, юқорида номлари зикр этилган партияларнинг барчалари ҳам ўлка сиёсий ҳаётида сезиларли даражада роль ўйнамаган.

Масалан, Туркистон ўлкасидаги социалист инкилобчи (эсер)лар партияси ичидан 1906 йилларда ажралиб чиққан "Анархист коммунистлар"нинг Тошкент гуруҳи ёки айрим хужжатларда "Анархист экспроприаторлар" гуруҳи деб ҳам аталадиган гуруҳ фаолиятини кўриш мумкин [3]. Аслида, ушбу гуруҳни сиёсий партия ёки ижтимоий сиёсий ҳаракат деб атаб бўлмайди. Чунки, улар аҳоли ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришдан кўра ўғирлик ва жинойтчилик билан кўпроқ шуғулланган [4]. Ушбу гуруҳнинг асосий шиори

“Довольство для всех” (Моддий манфаатдорлик барча учун), “Да здравствует анархия” (Яшасин, анархия). Мазкур гуруҳнинг социал қатлами ўлкадаги эсерлар партиясининг социал қатлампидан фарқли ўлароқ фақатгина шаҳарлик зиёлилар, кичик даражадаги чиновниклар, рус ишчиларининг маълум бир қисмидан иборат эди.

Масалан, 1908 йил май ойида Тошкент шаҳрида ушбу гуруҳнинг айрим аъзолари жандармерия томонидан қўлга олинганда, улар қуйидагилар бўлиб чиқади: Плотников Петр Александрович – армия пиёдалар қисмининг захирадаги подпоручиги, Неудачин Кирилл Александрович – Санкт-Петербург университети талабаси, Гамбургер Георгий Оттович – Тошкент шаҳар Думаси аъзоси (гласный)нинг ўғли Бельгиядаги Льежск университети талабаси. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Гамбургер Георгий Оттович пойтахтга келиши билан анархистларнинг Тошкент гуруҳига аъзо бўлади. Ушбу гуруҳ сон жиҳатдан унча катта бўлмаган, иқтисодий жиҳатдан унча кучли бўлмаган гуруҳ эди. Журнал, прокламациялар чиқариш учун маблағ топиш мақсадида 1906 йил 3 декабридан 4 декабрга ўтар кечаси Пушкин кўчасидаги “Каплан” аптекасида 25 рубль, бошқа куни Махрамский кўчасидаги “Краузе” аптекасида 15 руб. пулни кассадан экспроприация қилишади. Натижада ушбу ўғирликлар туфайли катта шов-шув кўтарилиб, айнан шу сабабли маҳаллий социалист революционерлар партиясидан ажралиб кетади [5].

Шўролар тузуми даврида ушбу мавзу бўйича чоп этилган илмий адабиётларда большевиклар, эсерлар ва бошқа рус сиёсий партиялари ҳақида ноҳолис маълумотлар берилган бўлиб, уларда масалан, большевистик ташкилотларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни бўртириб кўрсатилган [6], аммо аслида эса вазият мутлақо бошқача бўлган [7].

1906 йилнинг баҳорида Франция Республикаси бош штаби иккинчи бюроси (ҳарбий разведка) топшириғи билан майор Лякост икки йил давомида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият билан яқиндан танишиб, ўзининг кузатишларини ҳисобот тарзида “Комита де Асия Франсис” номли журналда чоп этади. Мақола Европада катта қизиқиш уйғотади. Бу мақолада Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудидаги ижтимоий-сиёсий кучлар ва партиялар фаолияти шарҳлаб берилган эди. Эътиборли томони шундаки, француз разведкачисининг ўтқир нигоҳи билан Туркистонда қайси партия, қайси сиёсий оқим кучли экани аниқлаб берилдики, бундай ҳолат рус сиёсий полициясини ғоят жиддий ташвишга солди. Майор Лякост Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ ташкилот сифатида социал-демократлар (большевиклар ва меньшевиклар), ёки социалист-инқилобчилар (сўл ва ўнг эсерлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ёш сартлар деган хулосага келган эди [8].

Туркистон ўлкаси ҳудудида фаолият юритган ижтимоий-сиёсий ҳаракатларни чуқур таҳлил қилиб, уларни учта гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ – ўлка заминида вужудга келиб шаклланган, маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилган сиёсий кучлар, гуруҳлар. Гарчи жадид боболаримизни кенг тармоқли “Шўрои Исломия” ташкилоти сиёсий партия мақомини олмаган бўлсада, аслида ўлкадаги халқ манфаатини ўйлайдиган бирдан бир сиёсий партия эди десак муболаға бўлмас, чунки ушбу ташкилот сиёсий партиялар каби ўз низоми ва дастурига эга эди. 1917 йил 15 мартда Мунавварқори Абдурашидхоновлар хонадонидан бўлиб ўтган йиғилишда “Шўрои исломия” ташкилотининг Низоми қабул қилиниб, унда қуйидаги мақсад ва вазифалар белгиланган эди:

Туркистон мусулмонлари орасида замонавий руҳдаги илмий ва ислохотчилик ғояларини тарқатиш;

ғоялар ва мақсадлар бирлиги асосида Туркистон мусулмонларини бирлаштириш;

хорижий юртлардаги давлат ҳокимияти тизими ҳақида ахборот йиғиш;

эски маъмуриятни истеъфога чиқариш ва янгисини тайинлаш заруриятини тушунтириш;

ўлкадаги турли миллий қўмиталар ва партиялар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳ.к. [9].

Иккинчи гуруҳ – европалик аҳоли манфаатларини ҳимоя қилувчи ва уларга суянадиган умумрус сиёсий партиялари эди.

Учинчи гуруҳ – Туркистон ўлкаси ҳудудида маҳаллий бўлмаган миллий-сиёсий ташкилотлар.

Юқоридаги фикрларни жамлаб, шундай хулосага келиш мумкин:

жадид боболаримиз XX аср бошларида мայян ижтимоий-сиёсий ҳаракат, оқим, партия сифатида Ўзбекистон Республикаси истиқлоли тамал тошини қўйган бирдан бир сиёсий куч ҳисобланади. Улар ҳақли равишда ўлка сиёсий тараққиётининг энг мақбул, энг тараққийпарвар йўлини танлай билган ва ўзларининг амалий фаолиятларида ислохотчилик характеридаги курашни асос қилиб олган эдилар. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек “... улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибодда қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Била туриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга давъат этган [10]”.

Жадид боболаримизнинг ўтган асрнинг бошларидаги сиёсий фаолиятларини чуқур ўрганар эканмиз, шу нарсани алоҳида таъкидлаш керак:

1. Европа давлатларида XVII–XVIII асрлардаги инглиз ва француз инқилоблари даврида капиталистик бозор муносабатларининг тезкор ривожини Европа жамиятларининг ижтимоий мяммоларни сиёсий йўл билан ҳал этиш ҳаётий масалага айланди, шу тариқа ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар вужудга кела бошлади. М. Вебер таклиф этган сиёсий партияларнинг шаклланиш тарихига оид классификацияга кўра сиёсий партиялар дастлаб зодагонларнинг сиёсий тўғарақлари тарзида пайдо бўлиб, кейинчалик сиёсий клубларга сўнгра эса оммавий партияларга айланган, бироқ ҳамма партиялар ҳам ўз тарихларида бу уч босқични босиб ўтмаганлар. Одатда, кўпинча сиёсий клуб ёки ижтимоий сиёсий – ҳаракатлардан сиёсий партиялар келиб чиққан. Масалан, Англияда 1831 йилда тузилган “Чарлтон клуб” консерваторлар партиясига, 1836 йилда тузилган “Реформ клуб” клуби эса либерал партияга асос бўлган [11].

4. Xulosa:

Юқорида келтирилган фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, жадидларнинг Андижондаги “Озод халқ”, “Мифтах ул –маориф”, “Хуррият”, “Маърифат ва шариат”, Самарқандда “Мирваж ул-ислом”, Каттакўрғонда “Тулистон”, Хўжандда “Майин ат-толибин”, Наманганда “Жамияти исломия” ва Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларида тузилган “Кўмак”, “Турон”, Тараққийпарварлар” каби ташкилотлар ва “Шўрои исломия” ташкилотининг Қўқон, Андижон, Наманган, Скобелев, Марғилон, Самарқанд, Марв [12] каби шаҳарлардаги шахобчалари асосида бизнинг илк сиёсий партияларимиз вужудга келган десак муболаға бўлмаса керак.

2. Миллий демократларимиз сийсий ташкилотлари билан рус сиёсий ташкилотларининг амалий фаолиятларида катта фарқ бор. Тўғри, биз биринчи рус инқилоби ва 1917 йил февраль инқилоблари даврида уларнинг низоми ва дастурлари билан танишдик, ўргандик, аммо амалий фаолият борасида катта фарқ бор. Улар ҳокимиятни курулли кўзғолон, зўрлик йўли билан, давлат тўнтариши йўли билан, жадид боболаримизнинг сиёсий ташкилотлари эса тинч йўл билан ,сиёсий йўл билан, ислохотчилик йўли билан қўлга киритишга ҳаракат қилганлар.

3. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ташаббуслари билан жадид боболаримизнинг маданий меросларини чуқур таҳлил қилиш, ўрганиш давлат сиёсати даражасигача кўтарилди. Жадидларнинг сиёсий қарашлари, дунёқарашлари, янги жамият қуриш борасидаги фаолиятлари ҳозирги кундаги сиёсий партияларимиз учун дастурамал бўлиши лозимлигини уқтирдилар. Президентликнинг илк кунлариданок Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган учрашувдаги маърузаларида саккиз йўналишдан иборат мақсад ва вазифалар кўрсатиб ўтилди:

– Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади;

– сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари фаолиятини кучайтирмасак, қонун ижодкорлиги ва қабул қилинган қонунлар ижроси кутилган натижани бермайди;

– бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди “мудраб ётган” сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олишлари керак;

– партиялар фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириши шарт. Агар партиялар бунга эришолмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз. Айрим ҳолларда тўлдиришти ҳам – буни яширишнинг ҳожати йўқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O‘zbekiston, 2021. – Б. 86.
2. Джолдасов Б. Д. К истории многопартийности в Узбекистане. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тарихининг муҳим мяммолари. Илмий назарий конференция материаллари. – Тошкент, 1992. – Б. 52.
3. ЎЗР МДА. Ф. 461, 1-рўйхат, 144-иш, 1–8 варақлар.
4. Юқоридаги манба... 8–10 варақлар.
5. ЎЗР МДА. Ф. 461, 1-рўйхат, 144-иш, 8 варақ.
6. Юқоридаги манба... 8-варақ.
7. Расмий идоралар жадидларни “Ёш турклар”га қиёслаб, “Ёш сартлар” деб атаган. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 265.
8. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 37.
9. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 8.
10. Одилқориев Х. Д., Раззоқов Д. Қ. Сиёсатшунослик.... – Б. 152–153.
11. Абдуллаев Р. М. Политические партии Узбекистана: история и современность. Новейшая история Центральной Азии. – Москва: ИВ РАН, 2018. – С. 101–102.
12. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 539–559.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000